

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси
бошлигининг 2021 йил 12 февралдаги С-4-сон буйруғига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва унинг
худудий бўлинмалари томонидан ходимлар билан тузиладиган меҳнат
шартномаларига киритиш учун коррупцияга қарши қоидалар
(коррупцияга қарши шартлар)нинг мазмуни бўйича**
АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Ходим ушбу меҳнат шартномаси бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда, коррупциявий ҳатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида пора таклиф қиласлик, ваъда бермаслик, пул туламаслик, товламачилик қиласлик, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик ва пора олмаслик, бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик, мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни олмаслик, шунингдек ўз ваколатларини суиистеъмол қиласлик мажбуриятини олади.

2. Ходим атрофдаги шахслар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тайёргарлик қўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиши шарт.

3. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Инспекциянинг ички ҳужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дархол иш берувчини ёки унинг ўрнини босадиган шахсларни хабардор қилиши шарт.

4. Агар ходим Инспекциянинг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фактларни аниqlаса, у ушбу маълумотни алоқа каналлари орқали Инспекциянинг Коррупцияга қарши курашиш сиёсатида қўрсатилган шахсларга тақдим этиши шарт.

5. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида Инспекциянинг ички ҳужжатларида назарда тутилган коррупцияга қарши талабларни бузган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.